

ХИТОЙ ТИЛИДА 把“bǎ” КЎМАКЧИСИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-21-22-24>

Артикова Зиёда Зайнитдиновна

ТДШУ катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада хитой тилида 把 “bǎ” кўмакчисининг гапдаги ўрни, ишлатилиши, унга ўхшаш бўлган кўмакчилар билан солиштириш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: 把 ba ли гап, кўмакчи, дистрибуция, сон, тахмин, метод.

Annotation: This article examines the role of the auxiliary “bǎ” in the sentence, its use, and comparison with similar auxiliaries.

Key words: sentence with 把 ba, auxiliary, distribution, number, estimate, method.

Хитой тили грамматикасида сўз туркумлари иккига бўлинади: мустақил сўз туркумлари ва хизмат қилувчи сўз туркумлари. Хизмат қилувчи сўз туркумларига олд кўмакчи, боғловчи, ёрдамчи сўзлар, тақлидий сўзлар, ундов сўзлар киради.¹ Ёрдамчи сўзлар гапда юклама, кўмакчи каби вазифаларни бажаради. Шулардан 把 “bǎ” сўзи гапда кўмакчи вазифасини ҳам бажариб келади. Хитой тили грамматикасида 把 “bǎ” ҳам олд кўмакчи, ҳам кўмакчи функцияси кенг ишлатилади. 把 “bǎ” ўзбек тили грамматикасидаги “чоғли, чамаси” маъносидаги тахминни англатувчи кўмакчи сўз функциясига мос келгани учун унга кўмакчи деб таъриб бердик.

把 “bǎ” кўмакчиси нутқда сўзларни ўзаро боғловчи грамматик восита ҳисобланади. Грамматик восита бўлиш жараёнида унда маълум грамматик маъно ҳам шаклланган, яъни чамани, тахмин сонни ифодаловчи восита бўлиб келади. Бу грамматик маъноларни англатиш имкониятлари ўзидан олдин келган сўзларга боғлиқдир. Агар бу кўмакчи бўлмаса ўзидан олдин келган сўзнинг ўзи ана шу маъноларни ифодаламайди. Фақатгина уларнинг бирикувигина бу маъно келиб чиқиши мумкин. Хитой тилидаги кўмакчининг асосий хусусияти, ўзи мустақил ҳолда қўллана олмайди, гапнинг бирор мустақил бўлаги бўлиб келолмайди, фақат гапда иштирок этган сўзларга боғланиб келади. Шу сабабли 把 “bǎ” кўмакчисининг лексик маъноси ва гапдаги вазифасини ўрганишда унинг дистрибуцияси муҳим ҳисобланади. Азим Ҳожиев “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғатида” беришича - тилшуносликда дистрибуция деб бирор тил бирлигининг нутқда бошқа тил бирликлари куршовида ишлатила олиш ўринларига айтилади. Дистрибуциянинг қуйидаги турлари бор: 1)

¹刘平, 潘敏. 实用现代语法. 北京: 2004. 54

кўшимча дистрибуция; 2) эркин алмашилиш дистрибуцияси; 3) контраст дистрибуция.² Дистрибутив метод матнни энг ихчам ва тугул ифода қилишни талаб қиладиган тасвирлаш метод ҳисобланади. 把 “b” кўмакчисининг нутқда бошқа тил бирликлари қуршовида ишлатила олиш ўринларини дистрибуция доирасида кўриб чиқилди. Бунда эътиборимизни асосан унинг чегараларини аниқлашга, жойлашиш ўрнига, қайси позицияда келишига қаратдик. Харрис дистрибуцияни морфологик сатҳга ҳам олиб ўтди. Морфологик бирликнинг сегментларга ажаратишда бошқа шундай бирликларга қиёслаш, солиштириш методини қўллаш тил бирлигини хусусиятларини янада аниқроқ очиб беришга ёрдам беради.

Хитой тили грамматикасида гап структурасида 把 “bǎ” кўмакчисининг жойлашиш ўрни қатъий белгиланган бўлиб, ундан олдин ва кейин келадиган сўзлар билан маълум грамматик қоидалар асосида боғланиб келади. Унинг синтактик қаторда ўрни чегараланган бўлади ва у билан бирга келадиган бирликлар белгилаб кўрсатилган. 把 “bǎ” кўмакчисининг синтактик вазифасини ва ўз хусусиятларини янада аниқ кўрсатиб бериш учун, уни хитой тилида кўп ишлатиладиган “来 [lái] ва 多 [duō]” кўмакчилари дистрибуцияси орқали кўриб чиқдик. Улар билан солиштирганда 把 “bǎ” кўмакчисининг тил бирликлари билан бирикиб келиши доираси чегараланган эканлигини кузатдик. Асосан уч ҳолатда бир-биридан фарқ қиладди.

1) “来 [lái] ва 多 [duō]” кўмакчилари билан келган “Сон + ҳисоб сўзи + 来 / 多 кўмакчиси” моделида “来 [lái] ва 多 [duō]” нинг ўрнига 把 “bǎ” кўмакчисини қўйса бўлади, маъно жиҳатдан ҳам мос келади, аммо бирга бирикиб келадиган бирликларнинг ишлатилишида фарқ бор, “来 [lái] ва 多 [duō]” дан фарқли равишда 把 “bǎ” дан олдин сон ёки ҳисоб сўзидан бири қўйилиши керак.

Масалан:

有过了几天，刘太太忽然回来了，拿来有一斤来的小米子，送给祁老人。 [Yǒu guò le jǐ tiān, liú tài tài hūr án huí lái le, ná lái yǒu yī jīn lái de xiǎo mǐ zi, sòng gěi qí lǎo rén.] Яна бир неча кун ўтгандан кейин, Лю хоним кутилмаганда қайтиб келди, ярим килоча келадиган қора гуручни олиб келиб, қария Чи га совға қилди.

Бу гапда “来” [lái] нинг ўрнига 把 “bǎ” кўмакчисини қўйиб бўлмайди, чунки 把 “bǎ” кўмакчисидан олдин ёки сон, ёки ҳисоб сўзи биттасини ишлатиш мумкин, “来 [lái] ва 多 [duō]” кўмакчилари билан эса сон ҳисоб сўзи бирга келиш ҳолати мавжуд.

² Азим Ҳожиев “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” www.ziyouz.com кутубхонаси

2) “来 [lái] ва 多 [duō]” кўмакчилари “Сон + 来 / 多 кўмакчиси + Сифат (даража категорияси)” модели асосида қўлланилади, аммо 把 “bǎ” кўмакчиси билан бирга сифатнинг даража категорияси ишлатилмайди, бошқа категориядаги сифат сўзлар билан келганда ҳам у тахминий миқдорни ифодалайди.

Масалан:

他脸上的酒色尚未褪尽，听我一再好奇地追问，忍不住打开了他那唯一的木箱，取出了那一斤来长的布包袱。 [Tā liǎn shàng de jiǔ sè shàng wèi tuì jìn, tīng wǒ yī zài hào qí de zhuī wèn, rěn bù zhù dǎ kāi le tā nà wéi yī de mù xiāng, qǔ chū le nà yī jīn lái zhǎng de bù bāo fu.] Унинг юзидаги сархуштликдан бўлган қизариш кетмасдан туриб, мени эшитиши биланоқ қизиқиб кетма-кет саволлар бериб ташлади, ягона бўлган ёғоч қутисини очиб юбориб, ичидан ярим килоча келадиган тугунни чиқарди.

“来 [lái] ва 多 [duō]” кўмакчилари қўшма сонларнинг кетидан келади, бироқ 把 “bǎ” кўмакчиси фақат айрим содда сонлар кетидан келади. Модели қуйидагича: “Кўп хонали сон + 来 / 多 кўмакчиси”.

Масалан:

大嫂不晓得怎样回答好，只用这个有一百多种解释的字表示她的和蔼。 [Dà sǎo bù xiǎo dé zě yàng huí dá hǎo, zhǐ yòng zhè ge yǒu yī bǎi duō zhǒng jiě shì de zì biǎo shì tā de hé ǎi.] Аёл қандай жавоб беришни билмай қолди, фақатгина бир юздан ортиқ тушунтириш сўзлари билан ўзининг хайрихоҳлигини ифодалади.

Хулоса: хитой тилида синтактик қаторда 把 “ba” кўмакчисининг ўрнига “来 [lái] ва 多 [duō]” кўмакчиларини қўйиб ишлатиш ҳолати кенг тарқалган, чунки уларнинг грамматик маънолари бир-бирига жуда яқин, аммо улар билан бириқиб келадиган тил бирликларда бироз фарқлар бор, ҳамда 把 “bǎ” кўмакчисининг ишлатиш кўлами торроқ. Унинг синтактик қаторда ўрни чегараланган бўлади ва у билан бирга келадиган бирликлар белгилаб кўрсатилган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А.А. Каримов. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар. 汉语量词. Фан ва технологиялар босмахонаси. Тошкент 2003. 100-102б.

2. 王力. 中国年现代语法. 北京. 1985年 120б.

3. Ван Ляо-И. Основы китайской грамматики. Издательство иностранной литературы. Москва. 1954年 80б.

4. Азим Ҳожиев “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” www.ziyouz.com кутубхонаси.

6. 刘月华, 潘文娱. 实用现代汉语语法. 北京 2004. 64